



ГАЗНАЧИЛИКДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ВА УНИНГ ХУҚУҚИЙ – МЕЎЁРИЙ АСОСЛАРИ

Кўзиев Исломжон Неъматович

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Аудит” кафедраси мудири,
и.ф.д., профессор*

Аннотация. Ушбу илмий тадқиқот ишида Ғазначиликда молиявий назорат ва унинг ҳуқуқий – меъёрий асослари баён қилинган. Ғазначилик хизматининг вазифалари, объектлари ва ҳисоб ишларининг юритилиши ўрганилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия, бухгалтерия ҳисоби, бюджет, бюджет ташкилоти, бюджет таснифи, бюджет ҳисоби, икки ёқлама ёзув, ҳисоб регистрлари.

Мамлакатимиз бюджетининг ғазна ижросини татбиқ этиш ҳисобига бюджет тизимини янада ислоҳ қилиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, барча даражалардаги бюджет даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида ихтисослаштирилган молия органи – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги 2007 йилдан бошлаб Республиканинг барча минтақаларида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 28 февралдаги ПҚ 594–сонли Қарорида Ғазначиликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

Давлат бюджетининг касса ижроси, жумладан, тушадиган даромадларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш, бюджет ташкилот-ларининг ва бюджет маблағларини олувчиларнинг харажатлар сметалари ижроси Давлат бюджети ижроси тўғрисида ҳисобот тузиш;



тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги касса узилишларининг олдини олишни таъминлайдиган ягона ғазначилик ҳисоб рақамида бўлган Давлат бюджети маблағларини бошқариш;

бюджет ташкилотларини, шу жумладан мудофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялашга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланишни мақбуллаштириш устидан мониторингни амалга ошириш, бунда улар томонидан тузилаётган шартномаларнинг сифати таъминланишини, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини назарда тутиш ҳамда воситачилик хизматларидан воз кечиш;

Ғазначиликнинг, бюджет маблағлари ҳисобига тўлаш учун қабул қилинган, Давлат харидлари ягона ахборот порталида рўйхатдан ўтказилган шартномалар бўйича ахборот базасини ташкил этиш ва мунтазам янгилаб бориш;

харажатлар сметаси ва рўйхатга олинган шартномаларда назарда тутилган суммалар доирасида товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчиларнинг бевосита ҳисоб рақамларига бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчиларнинг номидан ва уларнинг топшириғи бўйича тўловларни амалга ошириш орқали тўлов интизомига риоя этилишини таъминлаш;

Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, Давлат бюджети ижроси ҳақида ахборот йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини ижро этиш;

Ғазначиликда молиявий назорат объектлари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, бюджет маблағларини тақсимловчилар, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобланади.





Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси” 2014 йил 1 январдан кучга кирган бўлиб, унда Ғазначилик ва унинг бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган давлат молиявий назоратнинг хукукий асослари келтирилган.

Ғазначиликнинг молиявий назоратнинг принциплари қуйидагилар ҳисобланади:

қонунийлик ва мустақиллик;

молиявий назорат натижаларининг ишончлилиқ ва ҳолислиқ;

Ғазначилик бўлинмалари давлат молиявий назоратини:

бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг товарларни етказиб берувчилар (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) билан Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари маблағлари ҳисобига тузилган шартномаларини харажатлар сметаларида кўрсатилган суммалар доирасида ҳамда белгиланган мақсадларга мувофиқ тузилганлиги устидан назорат қилиш асосида мажбурий рўйхатдан ўтказиш;

харажатлар сметаларида ва рўйхатдан ўтказилган шартномаларда назарда тутилган суммалар доирасида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар номидан ҳамда уларнинг топшириғи бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчиларнинг ҳисобварақларига тўловларни бевосита амалга ошириш орқали тўлов интизомига риоя этилишини таъминлаш йўли билан амалга оширади.

Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан давлат молиявий назоратни амалга оширишда қуйидаги меъёрий ҳужжатлардан ҳам фойдаланилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”даги 2007 йил 20 мартдаги 53-сонли Қарори;

“Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги



томонидан 2016 йил 30 мартда 2771-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган;

“Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш қоидалари” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 30 мартда 2772-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган;

“Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидалари” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари бош бухгалтерлари иш жараёнида Давлат бюджетини ижро этиш қоидаларини тартибга солувчи амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга таянишлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 2016 йил 13 апрель, ЎРҚ–360–сон.
2. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169–сон).
3. Кулибоев А.Ш. Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий назорат: назария ва амалиёт. Монография–Т.:«Iqtisod–Moliya», 2023. –236 б.
4. Kuliboyev A.Sh. Budget tashkilotlari jamg'armalari hisobi. Darslik–Т.:«MAKON ZIYO NURI», 2024. –290 б.
5. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: назария ва амалиёт. Монография. –Т.: “Iqtisod–moliya”, 2016. –136 б.
6. Hamdamov B.K. va Ostonokulov A.A. Byudjet nazorati. O'quv qo'llanma.– Т.: «Iqtisod–Moliya», 2018. –318 б.